

ҲАР БИР КУН – БУ ИМКОНИЯТ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲО‘ЛИ

Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2023 йил 2 август № 30 (8472)

Муҳим ахборотлар

Шавкат Мирзиёев 27—28 июл кунлари Фарғона вилоятида бўлди. Давлат раҳбари қишлоқ хўжалиги ва саноатда ишга туширилган янги ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда маҳаллалар ҳаёти билан танишди.
Шунингдек, ҳудудларнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш учун жойлардаги мавжуд салоҳиятни ишга солиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Президент Шавкат Мирзиёев Венгрия, Озарбайжон ва Япония билан инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Маълумки, ушбу мамлакатлар катта иқтисодий ва инвестициявий имкониятларга эга. Сўнгги йиллардаги мунтазам мулоқотлар тўғрисида Ўзбекистоннинг улар билан муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилди, ҳамкорликнинг турли йўналишларида алоқалар фаоллашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Тиббиёт олий ўқув юр்தларининг IELTS сертификати бор талабаларига вазир стипендиясини бериш йўлга қўйилади

Пахтачилик



Томи йўқ далада меҳнат қилишнинг машаққатини деҳқондан сўранг, дейдилар. Жазирама саратонда ҳам, қаҳратон қишда ҳам даланинг ўз юмушлари бўлади. "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Собиржон Абдуллаев етакчилик қилаётган Абдуллажон номли фермер хўжалиги мутасаддилари, аъзолари ҳам

бугунги машаққат эртанги ҳаловат эканлигини яхши билишади. Шунинг учун ҳам хўжалик ҳар йили пахта, ғалла етиштириш бўйича зиммадаги мажбуриятларини адо этиб, яхшигина даромад қилади. Бу йил ҳам 30 гектар майдондаги ғалладан 127 тонна сара дон йиғиштириб олинди. 20 гектар майдондаги ғўза ниҳоллари агротехника талаблари

БУГУНГИ МАШАҚҚАТ — ЭРТАНГИ ҲАЛОВАТ

асосида парваришланаётгани учун ҳам кундан-кунга ҳосилга-ҳосил қўшилмоқда.

—Ҳар бир кун бир имконият, ҳар бир кун келажак пойдевори,—деган эдилар Президентимиз яқиндагина бўлиб ўтган сайловдан кейин лавозимга киришишга бағишланган мажлисдаги нутқларида,—дейди хўжалик раҳбари.— Дарҳақиқат, биз, фермерларга яратиб берилаётган шароитлар, кўрсатилаётган эътиборга жавобан ҳар қанча меҳнат қилсак, арзийди. Ахир маромини билиб қилган меҳнатимиз ортидан даромад оляпмиз, аъзоларимизнинг турмуш даражаси кўтариляпти. Кўп тармоқли хўжалигимизда балиқчилик, чорвачиликни ҳам ривожлантириш чораларини кўряпмиз. Мақсадимиз битта: далада меҳнат қилган ҳар бир аъзоимиз меҳнатидан ҳаловат топсин, ҳаётдан рози бўлсин.

Суратда: хўжалик иш бошқарувчиси Шухратжон Абдуллаев (ўнгда) ёш сувчи

Нуриддин Мадаминов билан. Матн ва сурат муаллифи: Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ.

Ўтакчи минбари

ЗУРРИЁТИНГИЗНИНГ БАҒРИ БУТУНМИ?!

Барча соҳаларда ислохотнинг янги босқичига киришилган мамлакатимизда турмуш фаровонлигини ошириш, ёш авлоднинг ёрқин келажagini таъминлаш каби мақсадлар рўёбининг асоси бўлган оила кўрғонини мустаҳкамлаш масаласи ҳар доимгидан ҳам устувор аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Сўнгги пайтларда жамиятнинг негизи бўлмиш оила кўрғонларининг сезиларли заифлашуви ажримларнинг кўпайишида намоён бўлаётди ва мазкур масалада чуқур таҳлиллар олиб бориш, қатъий чора-тадбирлар ишлаб чиқишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ажримлар ҳақида гап кетганда, жуда кўп оғриқли нуқталар юзага чиқади ва мулоҳаза юритилса, асосий сабаблар миллий кадрларимизга путур етаётгани билан боғлиқлиги аён бўлади. Бу эса шу йўналишда изланишларни кучайтиришимиз, бошидан иссиқ-совуқни кўп ўтказган кекса авлод вакиллари, ибратли оилалар тажрибасидан кўпроқ фойдаланишимиз зарурлигини кўрсатади. Аксарий оилавий низоларда ноқонуний оила қуришга йўл очиб бераётган кимсаларнинг таъсири яққол сезилиб турганини инкор этиб бўлмайди.

Давоми 2-бетда

Янгиликлардан хабардормисиз?

Иқтисодиётни ривожлантиришда тизимни янада эркинлаштириш, айниқса, тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очиб беришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 14 июндаги «Фаол ишбилармонлик муҳитини шакллантиришни янада рағбатлантириш, солиқ мажбуриятини бажаришда аҳоли томонидан ортиқча харажатларга йўл қўймаслик ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айни шу йўналишда қатор янгиликларга зами бўлмоқда.



ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ушбу ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этишни таъминлаш, тадбиркорларнинг хабардорлигини ошириш мақсадида айрим маълумотларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Қарорга кўра, 2023 йил 1 июн ҳолатига қуйидагилар ҳисобдан чиқарилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи (нотурар кўчмас мулк объектлари бундан мустасно) бўйича муддатида тўланмаган қарзига ҳисобланган пеня суммалари;
- охириги олти ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ЯТТларнинг қатъий белгиланган миқдорлардаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқдан вужудга келган қарзи, ҳамда уларга ҳисобланган пеня ва жарималар суммаси;

Давоми 3-бетда

УШБУ
СОНДА:

2 * Зурриётингизнинг бағри бутунми?!
* Маънавий таҳдид — ўзликка тажовуз

3 * Диққат, танлов!
* Хушхабар
* Сув-ҳаёт манбаи

4 Маънавият
* Аҳли дониш дейдиларки...
* Приеналик Биант
* Билиб қўйган маъқул

Етакчи минбари

ЗУРРИЁТИНГИЗНИНГ БАҒРИ БУТУНМИ?!

Давоми. Боши 1-бетда.

Юқоридаги фикрларимизнинг рақамлардаги аксини туманимиз мисолида кўриб чиқсак, муддаомиз янада ойдинлашади. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунига доир ҳисоботларга назар ташласак, 128 та ажрим қайд этилган бўлиб, бу ўтган йил шу даврига нисбатан 16 тага кўпдир. Юздан анча зиёд кўрсаткич олдида бу рақам катта эмасдир, лекин барбод бўлган оилаларга нисбатан айтилаётганлигини ҳисобга олсак, жиддий ташвишлинишга асос бўлади.

Шу ўринда боя тўхталиб ўтганимиз бир жиҳатга эътибор қаратиш жоиз: ажримларнинг салмоқли қисми—66 таси узоқ йиллардан буён бирга яшамай келган ва ноқонуний (шаръий) никоҳ билан бошқа оила қурган кишилар ҳиссасига тўғри келади. Айни даврда маҳалла хотин-қизлар фаоллари томонидан туманда ана шундай никоҳ билан яшаётган 147 та оила аниқланди. Демакки, бу оилалар ҳам никоҳини қонунийлаштириш ҳаракатига тушсалар, яна 300 га яқин ажримларнинг олдини олиш имконсиздир. Яъни узоқ йиллардан буён шаръий никоҳ асосида яшаётган бир оила никоҳини қону-

нийлаштириш ортидан икки ажрим ҳолати қайд этилади. Шу маънода бир тақлифни илгари суриш адолатдан бўлур эди. Узоқ йиллар ноқонуний яшаб, фарзандлар орттирган, эндиликда қонунлаштирилаётган оилалар ҳисоботи ажримлар кўрсаткичида алоҳида юритилиши керак.

Шаръий никоҳ борасида айб кимдалиги ҳар бир ҳолатда алоҳида ёндашувни талаб этади. Нима бўлганда ҳам оила ва никоҳ бобидаги қонуни менсимай, шаръий никоҳ ўқиган мулаларнинг қилмишлари юқоридагидек ҳолатларга йўл очиб бермоқда. Демак, жуфти ҳалоли ва болаларини аро йўлга ташлаб, ҳаловатни кўчадан излаётган беор эрларнинг бу қилмишига имкон яратаётган чаламуллаларга янада қатъийроқ чоралар қўллаш вақти келди? Акс ҳолда қўшхотинлик, ноқонуний оила қуриш оддий ҳолга айланиб, "енг ичида" шаръий никоҳ ўқиб гўёки кимнингдир ҳожатини чиқараётган кимсалар бу ишнинг ортида кемтик тақдирлар, кўнгли синиқ болалар бўлишини наҳотки ўйламайдилар? Қани улардаги масъулият, қонунга ҳурмат? Бу борада қонунчиликда талабни, жамоатчиликда эътиборни кучайтириш зарурлиги ойнадай равшан бўлиб турибди.

Минг афсуски, ажримларнинг қолган қисми аксарият ёш оилаларга тўғри келяпти. Бунга сабаб ёшларимизнинг никоҳга тайёр эмаслиги, оилани қадрият сифатида тан олмаслиги, учинчи шахс аралашуви каби омиллардир. Ажримлар билан боғлиқ зиддиятлар шу қадар чуқурлашганки, 164 нафар тумандошимиз оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик содир этиб профилактик ҳисобда турибди. Ушбу шахсларнинг 68 нафарини хотин-қизлар ташкил этиб, уларнинг барчаси билан профилактик суҳбатлар ташкил этилиб, расмий огоҳлантирилди.

Айтиш керак, оилаларни сақлаб қолиш учун биз, мутасаддилар бор имкониятларни сарфлаб иш олиб бормоқдамиз. Жорий йилнинг олти ойи давомида 212 та оила-турмуш доирасидаги низоли бўлганлари кўриб чиқилиб, зарур ҳолатларда муҳокама этилди, ўттиздан ортиқ оилаларнинг нотинчлигига барҳам берилди. Ажралиш ҳолатлари бўйича 151 та оила кўриб чиқилиб, 48 таси сақлаб қолинди.

Маҳаллалар кесимида юритилган таҳлилларга қўра, "Намуна", "Қувурбоши", "Лойсон", "Баландмасжид", "Шаҳартепа" фуқаролар йиғинлари ҳудудида ажримлар сони ортган. Аксинча,

ижобий ўзгариш кузатилган ҳудудлар ҳам бўлиб, булар "Ғиштмон", "Каттаболтақул", "Уқчи", "Пахтакор", "Лангар", "Файз", "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғинларидир. Шунингдек, ажрим қайд этилмаган маҳаллалар ҳам борлигини айтиш керак. Ярим йиллик кузатувларимизда "Деҳқонобод", "Сойбўйи", "Оқтепа", "Хумдон" маҳаллаларида ана шундай дилга таскин берувчи натижа қайд этилди.

Ажрим қайд этилган оилаларнинг фарзандлари 90 нафар бўлиб, ўтган йилга нисбатан 22 нафарга ошган ва бу ачинарли кўрсаткич нафақат тизим ходимлари, балки болажон миллатимизнинг ҳар бир вакилида масъулият ҳиссини уйғотиши керак. Еруғ келажакка бўлган умидимиз ёшлардан экан, улар ота-она бақамти бўлган оилаларда бағри бутун бўлиб вояга етиши учун барча чораларни кўрмоғимиз шарт. Ажрим ортидан аро йўлда қолаётган зурриётларнинг уволи бир кун эмас, бир кун тутиб қолишидан Яратганнинг Узи асрасин!

Марямхон ЙЎЛДОШЕВА,
туман ҳокимининг ўринбосари—оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи.

Бугун биз жадал суръатлар билан ўсиб келаётган янги ахборот-технологиялари асрида яшашимиз. Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишининг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар манфаатларига ҳам хизмат қилаётганини инкор этиб бўлмайди. Энди қурол-яроқлар эмас, балки "фикрга қарши фақат фикр, ғояга қарши фақат ғоя" билан курашиб, олға бориш мумкин. Кимнинг мафкураси, миллий ғояси кучли бўлса, ўша энгиз чикади. Бундай кураш бир жамият, мамлакат ичида ҳам, халқаро ва давлатлараро миқёсда ҳам давом этмоқда.

Ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар тобора кескинлашиб бормоқда.


Муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тизимни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият ҳаётининг таҳдид солувчи мафкуравий тажовузлар тобора кескинлашаётгани ҳаммамизга маълум. Бундай тажовузга қўл ураётган ёвуз кучлар ўз жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётлари, ҳаётда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларидан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бундай кучлар аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшлар қалби ва онгини ўзларига маъқул бўлган ғоя билан эгаллашга, яъни диний экстремизм, ахлоқсизлик ғояларини сингдириш каби ғаразли ниятларга қаратилгани кундай равшан.

Ҳозирги кунда ғаразли мақсадларни амалга ошириш учун зимдан олиб борилаётган фитналар баъзи миллатларнинг ўзлигини йўқотишга қаратилганини сезиш мумкин. Бундан кўзланган

сифатида тарғиб қилади. Энг ачинарлиси, бу таҳдид "яхши ота" тушунчасини бола қўлига катта миқдордаги пулни бериб қўйиб, барча хоҳиш-истакларини рўёбга чиқарадиган, улкан имкониятлар яратиб берадиган яхши шерик сифатида уқтиришга интилади. Уларнинг тарғиботида оила шахсга

айниқса, ёшларнинг ҳаётини ўзгартиришга қодир куч бўлиши мумкинлигини асло унутмаслик зарур.

Бугун турли йўллар, ҳархил "эзгу" ниқоблар остида "оммавий маданият" мамлакатимизга ҳам таҳдид солаётгани сир эмас. Айниқса, жангари филмлар, ёшларни соатлаб ўтиришга мажбур



тарғиб қилаётган ғаразли кучларга аслида ҳеч қандай маданият ва инсон маънавияти, ахлоқий қоида-ю қадриятларнинг кераги йўқ. Уларнинг стратегик режа ва сиёсий мақсадларига эришиш, айрим мамлакатларнинг ер ости, ер усти бойлиқларига эга бўлиш, ўз измига солиш учун бу бир восита, холос. Бир сўз билан айтганда, ҳамма нарсага эркинлик нуқтаи назаридан қарайдиган "оммавий маданият"нинг асосий мақсади — одамнинг иродасини сусайтириш, ўзининг ҳаётига, атрофидаги одамларга қарши қўйиш ва охир-оқибатда ўзлигидан жудо қилишдир.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, фикрлар ранг-баранглиги, ҳар бир халқнинг аънава ва қадриятларига эҳтиром кўрсатиш жамиятимизнинг энг муҳим тамойиллари этиб белгиланган. Бунга муносиб бўлиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Буюк аждодларимиз қолдирган бой маданий ва маънавий меросни, мардлик ва жасоратни аллақандай "оммавий маданият"га алмаштиришга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Султонхон НУРИДИНОВ,
Дин ишлари қўмитасининг тумандаги бош мутахассиси.

Огоҳликка даъват МАЪНАВИЙ ТАҲДИД – ЎЗЛИККА ТАЖОВУЗ

мақсад ҳудудларни эмас, инсон онгини эгаллашга йўналтирилган.

Бугунги авлод ўзига хос "тушунчалар уруши" шароитида, уларнинг кескин тус олган вақтида яшамоқда. Ғарбдан кириб келган, ҳақиқий маданиятга умуман алоқаси бўлмаган, "оммавий маданият" тарғиботчилари барчани бир тусга, бир қолипга, бир хил кўринишга, бир хил фикрлашга, бир хил турмуш тарзига одатлантиришга, урф-одатларимиздан, менталитетимиздан юз ўгиртиришга уринмоқда, ота-боболаримиз "қора" деган нарсаларни "оқ", "оқ" деган нарсаларни "қора" деб уқтиришга ҳаракат қилмоқда.

Масалан, исрофгарчилик-бойлик, тўкин-сочинлик, ҳашамат, дабдаба белгиси, ёшлар-тез ўтиб кетадиган, лаззатланиб, роҳатланиб, ўйнаб-қулиб, кайф-сафо, айш-ишрат, маишат, ҳар-хил бебошлиқлар, бемаънигарчиликлар, номақбулчиликлар қилиб қоладиган ва қилиниши керак бўлган вақт, деган талқинлар. Бу маданият миллатимизнинг ҳаё, ибо тушунчасини маданиятсизлик, маънавиятсизлик ва кераги йўқ бир мавҳум тушунча

хоҳлаган ишини қилишга тўсқинлик қилувчи, бемаъни, кераксиз мажбуриятларни юкловчи, кўнглихушликларини, кайф-сафоси, эркинлигини бўғувчи, беш кунлик дунёда яйраб ўйнаб қолиш керак, деган ақидага ғов бўлувчи исқанжа, занжирдир, дея тушунтирилади. Бизнинг мафкурамиз эса ёшлар, умуман, "оммавий маданият" таъсирига мойил бўлган қатламни "занжирбанд" қилувчи оила, роҳатни бузувчи фарзанд, кераги бўлмай қолган ота-она учун умуман қайғурмаслик ва ҳоказо ярамас ғоялар домидан асрашга хизмат қилади.

Дунёдаги ҳар бир халқнинг ўзига хос аънавалари, урф-одатлари миллий, диний қадриятлари бор. Муайян заминда куртак очиб, неча юз йиллар давомида шаклланган ва сайқал топган маънавий мезонлар шу миллатнинг, шу халқнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган техника ва технологиялар, глобаллашув жараёнлар бундай бойликларимизга таҳдид қилишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, бугун арзимасдек туюлган кичик хабар ҳам одамларнинг,

қилаётган компьютер ўйинлари ёвузликни тарғиб этса, боласининг отаси кимлигини билмасдан боши қотиб ДНК текширувини ўтказмоқчи бўлган хонимлар ҳақидаги сериаллар, интернет оламида аёл ва эркекларга лаззатланиш ҳақида берилаётган "энг яхши маслаҳатлар" фахш ҳамда бузуқлик кўчаси сари чорлайди. Бунинг устига, эстрада санъатига кириб келаётган айрим йўналишлар ва кўшиқлар, клиплар, яратилаётган кинофилмлар, реклама роликларидан тарғиб этилаётган турлича кийиниш ва сўзлашув "маданияти", умуман ҳаёт тарзимизга тўғри келмайдиган ҳолатларга йўл қўйилаётгани ачинарлидир.

"Оммавий маданият" ҳаётимизга тўсатдан кириб келмайди. Аввало, жуда кичик деталлар, арзимас воқеалар орқали одамларни ўзига ўргатади, кўниктиради. Ана шунда уч-тўрт ёшдаги фарзандимиз реппер бўлиб куйласа ҳам, ўғлимиз қулоғига зирак тақиб, қизимиз йиртик шимни кийганида ҳам "замона зайли" дея бепарво бўлаемиз. Ҳатто фарзандимизнинг замонавийлигидан қувонамиз. "Оммавий маданият"ни

Янгиликлардан хабардормисиз?

ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

- хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлиги учун қўлланилган жарималар суммаси.

Ушбу солиқ қарзи, пеня ва жарималарни ўндириш билан боғлиқ суд ва ижро ишлари тугатилади.

2024 йил 1 июнгача ер участкаларидан ҳужжатларсиз фойдаланаётган жисмоний шахсларга ер солиғининг 3 карра оширилган ставкасида солиқ ҳисоблаш тартиби тўхтатилади.

Фермер хўжалиқларига 2023 йил 1 июн ҳолатига шаклланган сув солиғидан қарзини 12 ой мобайнида тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилди.

2023 йил 1 июлдан 2024 йил 1 июлгача иссиқхонага ихтисослашган ер майдони 25 сотихдан кўп бўлган тадбиркорлар томонидан ишчиларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини қуйидаги шартларга бир вақтнинг ўзи-

да риоя қилинганда тадбиркорларга қайтариб бериш тартиби жорий этилади:

- ҳар 5 сотих ер майдони учун ойига камида бир нафар ишчининг бандлигини таъминлаш;

- ҳар бир ишчи учун ойига меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромаднинг меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган (980 минг сўм) миқдорда белгилаш;

- иссиқхонага ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари томонидан иссиқхона фаолияти бўйича олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил этиши.

Оқоридаги қарор тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли билан ўтказилган очик мулоқотларда билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда қабул қилинган белгилаб қўйилган. Зеро, ҳақиқий ҳолатни аниқлаш ва мақбул ечим топишда бевосита мулоқот энг самарали усулдир. Инспекциямиз ходимлари томонидан ҳам тадбиркорлар билан турли

очик мулоқот ва учрашувлар тизими равишда ташкил этилиб келинмоқда. Бу тадбирларда "Солиқчи—кўмакчи" тамойили асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муҳим бўлган йўналишлар бўйича кўмак кўрсатилаётир. Муаммолар ўрганилиб, зарур ҳолатларда дастлабки бухгалтерияни юритиш, қулай солиқ режимини танлаш, солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини тушунтириш, ортиқча ҚҚС тўловларини қайтариш каби масалалар юзасидан амалий ёрдамлар берилмоқда.

Бугун юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, жумладан, солиқ тизимида рўй берётган ўзгаришлар инсон манфаатларига ва пировардида халқ фаровонлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шундай экан, Юртбошимиз кўрсатмаларининг самараси эл-юрт равақига ва давлатимиз таракқиётида намоён бўлиши тайиндир.

Зухриддин МИРЗАЕВ,
туман солиқ инспекцияси бошлиғи.



Диққат, танлов!

УРУҒЛИК ҒАЛЛА

ЕТИШТИРИШНИ ИСТАСАНГИЗ...

Туман қишлоқ хўжалиги бўлими 2024 йил ҳосилидан уруғлик ғалла етиштириш бўйича фермер хўжалиқлари ўртасида танлов эълон қилади

Танловга аризалар 2023 йилнинг 25 июлидан 10 августга қадар қабул қилинади. Танловда қатнашиш ШАРТЛАРИ

1. Ғаллачиликда энг илғор тажрибага эга бўлган фермер хўжалиқларида уруғлик ғалла етиштириш амалга оширилади. Уруғлик ғалла етиштириш учун танлаб олинаётган фермер хўжалиги пахтачиликда мунтазам юқори ҳосилдорликка эришган бўлиши керак.

2. Уруғлик ғалла етиштирувчи фермер хўжалиқларининг экин ерлари тупроқ унумдорлиги ва мелиоратив ҳолати яхши, сув билан таъминланиши қулай бўлиши талаб этилади.

3. Фермер хўжалигининг раҳбари ва мутахассислари уруғчилик соҳасида етарли билим ҳамда тажрибага эга бўлишлари лозим.

4. Фермер хўжалиги охириги уч йилда ғалла сотиш шартномавий режасини бажарган бўлиши шарт.

5. Агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли амалга ошириш учун етарли қишлоқ хўжалиги техникалари ва механизмлари билан таъминланган бўлиши керак.

6. Фермер хўжалиги тендер танлови шартларига, уруғлик ғалла етиштириш мажбуриятларига ҳамда устама ҳақ тўлов тартибига тўлиқ риоя қилиши талаб этилади.

Пахта-ғалла, сабзавот, полиз, дуккакли, мойли, озуқа ва бошқа экинлар уруғчилиги билан шуғулланувчи субъектлар раҳбарлари диққатига!

2023 йилнинг 25 июл-10 август кунлари туман қишлоқ хўжалиги бўлими биносида 2024 йил ҳосили учун уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқини қўлга киритиш учун субъектлар ўртасида тендер танлови бўлиб ўтади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган фермер хўжалиқлар раҳбарлари қуйидаги ҳужжатлар тўпламини 2 нусхада туман қишлоқ хўжалиги бўлимида тузилган танлов комиссиясига 10 август кунига қадар тақдим қилишлари сўралади.

1. Фермер хўжалиги (субъект) номидан тилхат.
2. Тупроқ унумдорлиги (бонитет балл) бўйича туман қишлоқ хўжалик бўлими маълумотномаси.
3. Сув таъминоти бўйича туман ирригация тизими бошқармаси маълумотномаси.
4. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман бўлими томонидан берилган маълумотнома.
5. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази маълумотномаси.
6. Агротехника мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлими томонидан талабгорнинг мавжуд қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича берилган маълумотнома ҳамда техпаспорт нусхаси.
7. Сўнгги уч йил ичида экилган қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган ҳосилдорлик ва шартномавий режанинг бажарилиши бўйича кластер корхонаси томонидан берилган маълумотнома.

Ҳужжатларни қабул қилиш 2023 йилнинг 10 август кунини 18.00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотлар учун 91 110-49-40 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин. Туман ҳокимлиги қишлоқ хўжалик бўлими.

Хушхабар

КИТОБХОНЛАРГА—ТУРКИЙ АДАБИЁТЛАР ДУРДОНАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев туркий асарларни илк марта лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида—она тилида чоп этилиши ташаббусини илгари сурганларидан кейин, жами 100 жилдлик «Туркий адабиётлар дурдоналари» тўплами нашрдан чиқди. АОКА ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Фарғона вилоятига совға сифатида келтирилган 170 номдаги 470 нусхадан «Туркий адабиётлар дурдоналари» тўплами туман-шаҳар ахборот-кутубхона марказларига тантанали равишда топширилди. Ушбу китоблар тўпламларини биз ҳам катта мамнуният билан қабул қилиб олдик (суратда).

Энди қўштепалик кейинги авлод вакиллари ҳам бу ноёб асарларни лотин алифбосида мириқиб ўқийдилар.



Манзураҳон ТОШМАТОВА,
кутубхона хизмати бошлиғи.

Умуммиллий ҳаракати давом этмоқда:

саломатлигингиз учун ўзингиз посбонсиз



СУВ—ҲАЁТ МАНБАИ

моддалардан фақатгина сув орқали тозаланаркан. Буруннинг шиллиқ пардалари, томоқ, бўғиз ва нафас олиш йўллари ҳам доимо организмдаги суюқлик ёрдамида ҳўлланиб турилади. Томоғингиз қуриб қолганда, ўзингизни қанчалар оғир ҳис қилишингизни кўз олдингизга келтириб кўринг.

Организм нафас олиб турганида 0,5 литргача сув йўқотаркан. Тери орқали эса жуда кўп миқдорда сув йўқотарканмиз, айниқса, ёз ойларида. Буйракнинг нормал ишлаши учун сув ниҳоятда зарур бўларкан. Унинг фаолияти учун сув миқдори 0,25 литрдан кам бўлмаслиги керак бўларкан. Айниқса, бугунгидай жазирама кунларда фақат терлаш натижасида организм бир соатда 0,5 литргача сув йўқотиши мумкин экан.

Мутахассисларнинг ўрганишларига кўра, тинч ҳолатда турган инсон

бир кунда тери ва ўпкаси орқали 300 граммга яқин суюқликни йўқотаркан. Танадаги суюқлик, яъни сув тана қисмларининг бир-бирига ишқаланиб, емирилишидан сақлаб, суюқларнинг бўғимларда бемалол эркин ҳаракатланишига ёрдам бераркан. Тизза ва тирсақлар сув билан намланиб турмаса, улар букилмай қоларкан. Мушакларнинг фаоллик даражасини сувсиз ушлаб туриш мумкин эмаслигини мутахассислар кўп бора такрорлашлари бежиз эмас. Чунки мушакларнинг 75 фоизи сувдан ташкил топаркан.

Организмда сув етишмаслиги жуда хавфли бўлиб, унинг чўзилиб кетиши ёмон оқибатларга олиб келади. Буни қаранг, танамиз суюқликдан иборат бўлганлиги учун ҳам организм 6-8 фоиз суюқлик йўқотганда, одам оғирлашиб, беҳуш ҳолатга келаркан, 10-12 фоиз

йўқотиш юрак уришининг тўхташига асос бўларкан. Инсон овқатсиз беш ҳафтагача, ҳатто ундан ҳам кўпроқ яшаши мумкин бўларкан, сувсиз эса бир неча кунгина яшаркан.

Демак, сув—ҳаёт манбаи дейилганда, энг аввало инсон организмнинг тўқислигини таъминлашда бу улўғ неъматнинг аҳамияти назарда тутилган бўлса керак. Ҳозиргидай иссиқ кунларда, умуман, ҳар доим ҳам организмни ҳеч қачон сувга ташна қилиб қўймаслигимиз зарур экан-да. Табиат, наботот ва ҳайвотот олами ҳам сув билан тирикдирки, унинг қадрини билмоғимиз, асло исроф қилмаслигимиз шартдир.

Манбаалар асосида
Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
тайёрлади.

Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадисларидан



Фазилатларнинг энг афзали сен билан алоқани узган киши билан алоқа боғлашинг, сени маҳрум қилганга беришинг ва зулм қилганни авф этишингдир.

**Муоз (розияллоҳу анҳу)дан
Табароний ривояти**

Касални зиёрат қилишда савобга эришинг энг афзали бемор ҳузурдан тезлик билан туришдир.

**Жобир (розияллоҳу анҳу)дан
Дайлабий ривояти.**

Садақаларнинг энг афзали оч жигарни тўйдирмоқлигингдир.

**Анас (розияллоҳу анҳу)дан
Байҳақий ривояти.**

Омонат ризқни жалб қилса, хиёнат камбағалликни жалб қилади.

Дайлабий ривояти.

Аллоҳга имон келтиргандан кейинги амалларнинг энг афзали одамлар билан дўстона муносабатда бўлишдир.

Табароний ривояти.

Азиймат—ақли киши билан маслаҳатлашиб, кейин унга итоат қилишингдир.

Абу Довуд ривояти.

Ислоҳ покликдир. Шундай экан, покиза бўлиб юринглр. Чунки жаннатга фақат покларгина киради.

Дайлабий ривояти.

Тўнғич ака ота ўрнидадир.

Байҳақий ривояти.

Ёллаган ишчингиз ҳақини тери қурмасдан олдин беринглр. Ва яна иш давомида унинг қанча ҳақ олишини билдинглр.

Байҳақий ривояти.

Йўлдан озор берувчи нарсаларни олиб ташла. Зеро, бу сен учун садақадир.

Бухорий ривояти.

**"2002 ҳадис"дан.
(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).**

"Мунир" нашриёти.

Тошкент—2022 йил.

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.
Алишер НАВОЙЙ.

Аҳли дониш дейдиларки...

ҲАЁТ — ДОНО МУАЛЛИМ

Киши гар кўксини юз пора қилсун,
Фалак бедодиға не чора қилсун?!

Алишер НАВОЙЙ

Яратгучи ҳар бир ҳайвонга ва ҳар бир аъзога имконият кўтарганича ўзига лойиқ ва унинг ишлари ва аҳволига муносиб мизож беради.

Абу Али ибн СИНО

Давлат келиб яна кетмаганда эди,
ёруғ кунлар қоронғулашмаган буларди.

Эй, элиг, бу дунё бир экинзор каби-
дир, унга одам нимани экса, ўшани ўради.

Ўзинг мангу эмассан, отинг ман-
гудир, отинг мангу бўлдим, ўзинг мангудирсан.

Одам учун олтин-қумуш жуда қадри-
ли нарсадир, лекин ўзини тутта билувчи одам қумуш-олтиндан ҳам қимматлидир.

Бу дунё бир работдир, сен эса

карвон ҳисоби. Карвон работда қанча турарди, ўйлаб кўр!

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

Одамнинг умри аввалида қилган ишлари умрининг охиридаги ишларига ҳам далолатдир.

Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ

Афсус, бебаҳо умр равон ўтгусидир,
Бу бебаҳо умр каби жаҳон ўтгусидир.
Етмак учун ломаконга парвоз айлаб,
Жон қуши жаҳонда бегумон ўтгусидир.

УБАЙДИЙ


Биз ҳақиқатни ҳаётдан олдик. Ҳаммадан илгари шахс ўзини танисин, сунгра бошқани! Зеро, "ўзини билмаган ўзгани билмас" сўзи турмуш онасининг дард чекиб тукқан тўнғич ўғлидир.

Абдулла ҚОДИРИЙ

**"111 Ватандош алломаларимиз"дан.
Инсоний фазилатлар ҳақида ҳик-
матли сўзлар.
"Янги аср авлоди"
Тошкент-2019 йил.**

Дунёнинг мумтоз файласуфлари

ПРИЕНАЛИК БИАНТ



(Милоддан аввалги VI аср)
ҲАЁТИ...

Қадимги юнон файласуфи Биант Юнонистондаги етти етакчи файласуфнинг бири эди.

Биантнинг она шахри саркарда Кир лашкарлари томонидан забт этилади. Шаҳар аҳолиси энг қиммат-баҳо буюмларни олиб қоча бошлади. Фақат Биантгина ҳеч нарса олмай, бўш қўл билан шаҳардан чиқиб кетади. Буни кўрган ҳам-шаҳарлари ундан: "Сен нега ҳеч нарса олмадинг?"—деб сўрашади. Шунда Биант: "Ҳамма нарсамни ўзим билан олиб юраман",—деб жавоб беради.

...ҲИКМАТИ

Дўстларинг орасидаги баҳсга ечим топишдан кўра, душманларинг ўртасидаги низони ҳал қилиш афзалдир. Чунки дўстларинг ўр тасига тушсанг, бири сенинг душманнингга айланади, душманларинг баҳсини ҳал қилсанг, улардан бири сенга дўст бўлиб қолади.

Умринг мезонини шундай олқи, гўёки яшашингга ҳам оз, ҳам кўп фурсат қолган бўлсин.

Бирор ишга қўл уришга ошиқма. Қўл урдингми, қатъий бўл.

Ҳовлиқмасдан сўзла, шошилиш ақлсизлик белгисидир.

Ёмонлар ҳамма ерда кўпчиликни ташкил қилади.

Нима мушкул? —Ишнинг чаппа кетишини хотиржам кузатиш.

Инсон учун тотли нарса нима? —Умид.

Инсон қайси ишдан завқ олади? —Фойда олишдан. Энг яхши маслаҳатчи ким? —Вақт.

Бахтсизликка дош беролмайди одам бахтсиздир.

Кемада сузиб бораётганлар на тириклар ва на ўликлар қаторига кирадилар.

Куч билан эмас, ишонч билан забт эт.

Ёшлигингда кексалик учун доноликни тўпла. Чунки ундан ишончлироқ бисот йўқ.

"Ҳақиқат манзаралари"дан.

**"Янги аср авлоди".
Тошкент-2002 йил.**

Ақл-ақлдан қувват олар

ИНТИЛГАН—ЭГИЛМАС

"Ҳаёт кечириб йўлида кўзланган мақсад сари, илму хунар эгаллаш сари қатъиятлик билан дадил интилган киши меҳнатининг самарасидан баҳраманд бўлиб, мустақил яшай олиш имкониятини яратади. Агар интилмаса, ҳаракат қилмаса, ишқмас, дангаса бўлса,

турмуш кечириб қийналади, ҳар бир нарсага муҳтож бўлиб, бировларга бўйин эгишга, эҳтиёжи тушган нарсани ялиниб-ёлвориб сўрашга мажбур бўлиб қолади", дейилмоқчи.

**"Ҳикматнома"дан.
Тошкент-1990 йил.**

Билиб қўйган маъқул ЁЗ МЕВАСИ ҚИШГА ДАРМОН



Анвойи мевалардан мураббо ва шарбатлар тайёрлаш қоидаларига амал қилинса, қиш бўйи дастурхонда хушбўй хид анқиб туради, бунинг устига мазали, дармондориларга ҳам бой бўлади. Тайёрлаш тартиблари аслида жуда оддий. Меваларни оқар сувда кўпроқ тутиб, тозалаб ювишга ҳаракат қилинг. Мураббо учун эзилиб кетмаган меваларни танлаш мақсадга мувофиқ. Олхўри ва олча яхши

етилиб пишган бўлиши шарт.

Мевалар мураббо ичида ўзининг табиий кўриниши ва мазасини сақлаб қолиши учун, тозалаб ювилган меваларга 3-4 соат қиём қуйиб қўйинг. Ана ундан кейин пиширишга қўйишингиз мумкин.

Қалин пўстли меваларни санчки ёрдамида тешиб олсангиз, (масалан олхўрини) қайнаш вақтида қиём мевага яхши сингиб олади.

Сиз шафтолидан мураббо пиширишга қарор қилсангиз, сизга уларни данагидан ажратиб олишни маслаҳат берардик. Бу ишни амалга ошириш унчалик қийинчилик туғдирмайди.

Агар сиз пишираётган мураббо ҳеч ҳам қуоилмаса, унга лимон соқини озгина миқдорда қўшсангиз бўлади. Мураббонинг меъёрда пишганини аниқлаш учун бир томчисини пиёлага солинг, агар у ёйилиб кетмаса, мураббо яхши пишган ҳисобланади.

Мураббо ва шарбатларни қуруқ, салқин жойда 10-15 градус даражада сақлаш лозим. Мураббони совуқда ёки музлатгичда сақлаш унчалик тўғри эмас.

"Сиҳат-саломатлик" журналичдан.

ISTIQBOL YO'LI

МУАССИС:
ҚўШТЕПА ТУМАНИ
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАҲРИРИ-
ЯТ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир:
Умидахон ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Фарғона вилояти бошқармаси томонидан 2007
йил 9 январда 12-012 рақами билан рўйхатта
олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:
151111,
Марғилон шаҳар,
Бобур номи маҳалла,
Соҳибкор кўчаси, 4-уй.
Телефон ва факс:
муҳаррир (55) 801-17-54

Газета
тахририятнинг
компютерда
териди ва
саҳифаланди.
Дизайнер:
Мухаммадамир ЮСУПОВ

«Полиграф-Пресс» МЧЖ
босмаҳонасида 3003
нусада чоп этилди.
Баҳоиси келишилган нарҳда.
Манзил: Марғилон шаҳар,
Туркистон кўчаси,
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:
64875

Буюртма № 483

Топшириш вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:
Хадичахон КАРИМОВА

ISSN 2010-9253
9 772 010 9253 07